

# THE PROSPECT OF OPPORTUNITIES



*Speaking about the acclaimed changes taking place in the country over the past five years, in particular, it should be noted that the people of Namangan region see the results of these reforms in their lives, and the main principle set by President Shavkat Mirziyoyev - that the consent of the people is increasing day by day.*

Our people and the world community acknowledge the correctness of the investment policy in the development of modern Uzbekistan. Investments in production, education and other spheres of society can be compared to a real "engines" of development. In particular, the promising large-scale work carried out in this direction in Namangan region is aimed at

implementation of projects, and it is clearly seen that it will serve as a driver of rapid changes.

This can be seen in the following figures and facts reflected in the reports of last year: in 2020, 871.4 mln. USD in foreign trade turnover was accomplished with 47 foreign countries. Of this, the volume of exports amounted to 378.1 mln. USD (an increase to 22 mn. USD which is 106.2% compared in 2019), the volume of imports amounted to 493.3 mln. USD

(a decrease to 137 mln. USD compared to 2019, which is 78.3%). It is worth noting that the global pandemic, which has hit many countries economically, has not prevented the implementation of projects in the area of industry and production in our country, including in Namangan region.

In 2021 it is planned to make 1073.0 mln. USD foreign trade turnover with 55 foreign countries. In particular, 533.0 mln. USD in export and 540.0 USD import operations are envisaged.



It should be noted that the UAE has a special place in international economic cooperation in our region. This is evidenced by the fact that the foreign trade turnover with this country in 2020 amounted to 1,252 thousand USD, of which 687.0 thousand USDs were export and 565.0 thousand USD were import operations. Our world-famous fruits and vegetables were exported to the United Arab Emirates, while cars and other industrial and agricultural products were imported.

In recent years, bilateral trade between the UAE and Namangan region and investment relations with representatives of major companies of the Emirates have been steadily developing. It is no exaggeration to say that the investment project implemented by the UAE company "SURA HOLDING LLC" for construction of an intensive garden in the region is one of our promising steps in this area. According to the agreement signed on this project, more than 100 hectares of land were allocated in Yangikurgan district. FE in the form LLC "SURA GENERAL INVESTMENTS" fenced off the land plots for intensive gardening, made them ready for planting and even

installed drip irrigation equipment on Turkish technology. 49,000 cherries, 14.5 thousand peaches, 12.2 thousand apricots and 7.3 thousand plum seedlings were imported from Italy for intensive gardening.

on December 10, 2020 with the Namangan regional administration and the Emirati "RG-General Trading FZE" on production project "Mineral Water" worth 5 million USD. Implementation of this project is scheduled for 2020-

**...bilateral trade between the UAE and Namangan region and investment relations with representatives of major companies of the Emirates have been steadily developing**

Under this project, 3.0 mln. USD of foreign direct investment was disbursed, 40 new jobs were created and the project was commissioned on time. Currently, research is underway to further expand the scope of the project by allocating additional 358 hectares of land.


Measures are also being taken to implement the memorandum signed

2022, and the project will create 50 jobs.

These are just the beginning, of course. The wide potential of our region - natural and social resources, favorable investment climate, prudent measures to support entrepreneurship will allow us to implement more promising and modern projects on the basis of mutual interest with our foreign partners, including UAE investors.

# ИМКОНИЯТЛАР ИСТИҚБОЛИ

Шавкат АБДУРАЗАКОВ, Наманган вилояти ҳокими



Тараққиётимизнинг янги босқичи бўлган кейинги беш йил давомида мамлакатимизда бўлаётган оламшумул ўзгаришилар ҳақида гапирганда хусусан, Наманган вилояти аҳли ҳам бу ислоҳотларнинг самарасини ўз турмуш ҳаётида яққол исботини кўраётганини, пировардида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан белгилаб берилган бош тамойил – халқнинг розилиги кун сайн ортиб бораётганини қайд этиш лозим.

Янгиланаётган Ўзбекистон ривожида инвестициявий сиёсатнинг нақадар түғри олиб борилаётганини халқимиз, бутун жаҳон жамоатчилиги кўриб-билиб турибди. Ишлаб чиқариш, таълим ва жамият ҳаётининг бошқа жабҳаларига йўналтирилаётган сармояларни чиндан-да тараққиёт «дояси»га қиёслаш мумкин. Жумладан, Наманган вилоя-

тида ҳам мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар ўз кўлами билан истиқболли лойиҳаларни муваффақиятли рўёбга чиқариб, тезкор ўзгаришларнинг натижадор драйвери вазифасини ўтаёгани аниқ-тиниқ кўзга ташланмоқда.

Буни ўтган йилнинг сарҳисобларида қайд этилган қўйидаги рақам ва фактларда ҳам кўриш мумкин: вилоят бўйича 2020 йилда 47 та хо-

рижий давлат билан 871,4 млн. долларлик ташқи савдо айланмаси амалга оширилди. Шундан экспорт ҳажми 378,1 млн. доллар (2019 йилга нисбатан 22 млн. долларга ошиб ўсиш, 106,2 %), импорт ҳажми 493,3 млн. доллар (2019 йилга нисбатан 137, млн. долларга камайиб, 78,3 %)ни ташкил этди. Айтмоқчимизки, кўплаб давлатларга иқтисодий зарба берган глобал пандемия юртимиз, жумладан, На-

манган вилояти саноати ва ишлаб чиқаришига доир лойиҳалар ижросига тўсқинлик қила олмади.

2021 йилда эса 55 хорижий давлатга 1073 млн. долларлик ташқи савдо айланмаси амалга оширилиши режалаштирилган. Жумладан, 533 млн. доллар миқдорида экспорт ва 540 млн. доллар қийматига teng импорт амалиётлари кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, вилоятимизнинг халқаро иқтисодий ҳамкорлик алоқалари доирасида Бирлашган Араб Амирликлари алоҳида ўрин тутмоқда. Мазкур давлат билан ташқи савдо айланмаси 2020 йилда 1 252 минг долларни ташкил этгани, шундан 687 минг долларлик экспорт ҳамда 565 минг долларлик импорт амалиёти амалга ошгани бунинг далилидир. Бирлашган Араб Амирликларига асосан бутун дунёга маълуму машҳур мева-сабзавотларимиз экспорт қилинган бўлса, импорт таркибида енгил автомобиллар ва бошқа саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилинган.

Сўнгги йилларда БАА билан Наманган вилояти ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ва Арабистон давлатининг йирик компания вакиллари билан инвестицион алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда вилоятда БААнинг SURA HOLDING LLC компанияси томонидан интенсив боғбарпо этиш бўйича амалга оширилган инвестицион лойиҳа бу борадаги истиқболли қадамларимиздан бири, десак муболаға бўлмайди. Ушбу лойиҳа юзасидан имзоланган шартномага кўра Янгиқўрғон туманидан

100 гектардан зиёд ер майдони ажратиб берилди. SURA GENERAL INVESTMENTS МЧЖ шакидаги ХК томонидан интенсив боғ ташкил этиш учун ер майдони чегаралари иҳота қилиниб, экиш учун тайёр ҳолга келтирилди ва ҳаттоки Туркия техноло-



**Г...Кўплаб давлатларга иқтисодий зарба берган глобал пандемия юртимиз, жумладан, Наманган вилояти саноати ва ишлаб чиқаришига доир лойиҳалар ижросига тўсқинлик қила олмади**

гияси бўйича томчилаб суғориш жиҳозлари ўрнатилди. Интенсив боғ учун Италиядан 49 минг туп гилос, 14,5 минг туп шафтоли, 12,2 минг туп ўрик, 7,3 минг туп олхўри кўчатлари олиб келинди.

Лойиҳага мувофиқ 3 млн. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилди, 40 та янги иш ўрни яратилиб, лойиҳа белгиланган муддатда фойдаланишга топширилди. Айни пайтда эса қўшимча 358 гектар ер майдони ажратиш ҳисобига лойиҳа қамровини янада кенгайтириш устида изланиш олиб борилмоқда.

Шунингдек, 2020 йилнинг 10 деқабрь куни Наманган вилоят ҳокимилиги ҳамда Бирлашган Араб Амирлигининг RG-General Trading FZE компаниялари билан умумий қиймати 5 млн. доллар бўлган «Минерал сув» ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича имзоланган меморандумни амалиётга татбиқ этиш чоралари ҳам кўрилмоқда. Мазкур лойиҳани амалга ошириш 2020-2022 йилларга мўлжалланган бўлиб, лойиҳа ишга тушиби натижасида 50 та иш ўрни яратиласди.

Булар ҳали бошланиши, албатта. Вилоятимизнинг кенг имкониятлари – табиий ва ижтимоий ресурслар, қулагай инвестицион муҳит, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-кувватлаш борасида кўрилаётган оқилона тадбирлар хорижий ҳамкорларимиз, жумладан, БАА инвесторлари билан ўзаро манфаатдорлик заминида янада истиқболли ва замонавий лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради.

**Г2021 йилда эса 55 хорижий давлатга 1073 млн. долларлик ташқи савдо айланмаси амалга оширилиши режалаштирилган**